

# Масжидга кираётганда ва ундан чиқаётганда ўқиладиган дуолар

08:52 / 23.01.2019 18186

Абу Хумайд ёки Абу Усайдлардан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Агар бирортангиз масжидга кирса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом айтиб, сўнг:

????????? ?????????? ??? ?????????????? ??????????????

**«Аллоҳуммафтаҳ лий абваба роҳматик», деб айтсин. Чиққанида эса:**

????????? ?????????? ?????????????????? ?????? ??????????????

**«Аллоҳумма инний ас`алука мин фазлик», десин».** (Маъноси: Эй Раббим, Сенинг фазлингни сўрайман.)

Бу ҳадисни Имом Муслим ривоят қилганлар. Лекин у зотнинг ривоятларида «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом айтсин», деган лафз йўқ.

*Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан*